

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ.
№ 79 (4070).

22
АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



В. И. ЛЕНИН. 1920 ЙИЛ.

ТАСС фотохроникаси.

МАРКС ВА ЭНГЕЛЬС
РЕВОЛЮЦИОН ТАЪЛИ-
МОТИНИНГ ДОХИЕНА
ДАВОМЧИСИ. КОММУ-
НИСТИК ПАРТИЯНИНГ
АСОСЧИСИ, ДУНЕДА БИ-
РИНЧИ ИШЧИ ВА ДЕХ-
ҚОНЛАР СОЦИАЛИСТИК
ДАВЛАТИНИНГ РАҲБА-
РИ — ВЛАДИМИР
ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ НО-
МИ АСРЛАР БУИИ
ЯШАЙВЕРСИН!

КОММУНИЗМНИНГ
ШАВҚАТЛИ БИНОКОРИ
МЕХНАТКАШЛАРНИНГ
ОЗОДЛИГИ, ТИНЧЛИГИ
ВА БАХТ-САОДАТИ УЧУН
МАРД КУРАШЧИ — УЛУГ
СОВЕТ ХАЛҚИГА ШОН-
ШАРАФЛАР!

(КПСС Марказий Комитети-
нинг 1969 йил 1 Май Чакир-
ларидан).

ЧИГИТ ЭКИШНИНГ
БОРИШИ ҲАҚИДА 21
АПРЕЛГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи сгун — районлар, ик-
кинчи сгун — мавсум бошдан бе-
ри чигит экиш лаяни (процент ҳи-
собида), учинчи сгун — бир кун-
лик чигит экиш лаянининг бажа-
риланиш проценти

Оққўрғон	27,2	8,6
Янгийўл	24,8	6,9
Оржоникидзе	14,2	2,1
Бекобод	13,9	5,2
Ўрта Чирчиқ	13,4	4,9
Бўка	4,1	2,2
Юқори Чирчиқ	2,3	—
Область бўйича	15,5	5,1

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ ГУСТАВ ГУСАККА

Азиз ўртоқ Густав,
Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий Комитети сизни
Чехословакия Коммунистик партия-
си Марказий Комитетининг биринчи
секретари қилиб сайлашганини му-
носабати билан самимий табриқлайди.
Бу — Чехословакия коммунистлари-
нинг сизга нисбатан юксак ишончи-
ни билдиради.

Совет коммунистлари, мамлакатим-
из меҳнатқашлари сизни меҳнат-
қашларнинг яна улуғ, ЧКПнинг
жамият ҳаётидаги раҳбарлик ролини
мустаҳкамлаш, Чехословакия Соци-
алистик Республикасида соци-
ализм позицияларини мустаҳкамла-
ш учун саботни принципа-
л қурашчи, деб марксизм-ле-
нинизм; пролетар интернациона-
лизм позицияларида, социалистик Че-
хословакиянинг Совет Иттифоқи бил-
ан ва бошқа қардош социалистик
мамлакатлар билан бўлимас дуст-
лиги позицияларида маҳкам турган
арбоб деб биладилар. Сиз чехосло-
вак халқининг социалистик ғалаба-
ларига таҳдид қилган хавфга қарши
қескинлашиб кетган курашнинг му-
риваб шартларида мардлик,
принципаллик, коммунистик бур-
чи юксак даражада ағлаш намуна-
ларини кўрсатдингиз.

Чехословакия Коммунистик пар-
тияси Узининг Марказий Комитети
раҳбарлигида марксизм-ленинизм
улуғ байроғини баянда кўтариб бора-
ди деб ишонамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Че-
хословакия коммунистларининг, бу-
тин халқининг социалистик ку-
рашнинг ҳозирги босқичидаги му-
ҳим ва мураккаб вазифаларини му-
ваффақият билан адо этишларини, ик-
кинчи, бунёдкорлик жараёнида
ғалабаларга эришувларини, мамла-
кат халқ ҳўжалигини янада юксал-
тиришларини тилаймиз.

Совет Иттифоқи ва Чехословакия
Социалистик Республикаси халқлари
дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ри-
вожлантириш ва мустақамлавиши-
нинг энг ишқошли тарафи бўлган
КПСС билан ЧКПнинг бирлиги му-
стаҳкамланаверсин.

Коммунистик салом билан
Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий Комитети-
нинг Бош секретари,
1969 йил, 18 апрель.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Владимир Ильич Ленин! Жаҳондаги барча
маълум халқлар, тараққийпарвар кишилар
учун нақдлар мўтабаб ва азиздир бу ном.
Кўнра дунё тарихида буриш мўтабаб бўл-
ган Итирмачи асрининг буюк революцион
воқеалари, Советлар мамлакатига рўй бера-
ётган мислсиз ўзгаришлар шу улуғ зотнинг
табаррук номи билан чамбарчас боғланган.

«Лениннинг номи пролетар революциялари,
социализм ва тараққиёт рамзи, жаҳонни рево-
люцион тарзда ўзгартиш рамзи бўлиб қолди»
— дейилади КПСС Марказий Комитетининг
Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100
йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги Қарориди.
Ҳозирги замон тарихига Ленин шу қадар чу-
қур таъсир қўришдики, революцион тафак-
курнинг ҳаммаша барҳаёт сарчаси бўлган
ленинизм таълимотига йиллар ўтган сайин то-
бора кўлаб авлодлар мурожаат қилмоқдалар,
янгича янаш, ҳаётини қайта қуриш калитини
шу таълимотдан топишмоқдалар.

Владимир Ильич Лениннинг бутун сермаз-
мун ҳаёти, революцион фаолияти неча-неча
авлодларга халққа хизмат қилди, дунёни ре-
волюцион тарзда янгилаш учун қурашда бу-
юк намуна, наҳомбахш куч бўлиб қолди.

Ленин буюк революционер эди. У жуда
ёшлик чоғиданоқ инсонлар ўртасидаги ик-
тимоий тенгсизлик, қорин пистидодига қарши
исёкорлик руҳида тарбияланди. Шундан сўнг
у бутун умрини энг олижаноб ишга — проле-
тариатнинг озодлик курашига, янги социали-
стик жамиятнинг барпо қилишга бағишлади.
Уни бу йўлдан на муҳожирлик машаққатлари,
на самодержавие таъқиқлари, на қамқоқлар
ва сургуналар қайтарма олди.

Ленин буюк марксист назариятчи эди. У
пролетариатнинг озодлик кураши калитини
улуғ устозлари Маркс ва Энгельснинг ўлмас
таълимотидан излаб топди. Буюк асарлар
ёзиб, бу таълимотни иккунинг бойитди, унинг
амалий йўлларини конкрет шартларга мослаб
ишлаб чиқди, ҳаётга тадбиқ этди.

Ленин пролетариатнинг буюк доҳийси эди.
Умр бўйи бутун ҳаётининг назарию деб ҳисоб-
лаган ишчилар синфининг озодлик курашига
йўлбошчилик қилди. Шу жангонар, ҳужум-
кор синфининг авангарди бўлган Коммунистик
партияни тузиш, бу партияни революцион
таълимот — марксизм назарияси билан қуро-
лантирди. Коммунистик партия, В. И. Ленин
пролетариатга баш бўлиб асринининг энг
буюк воқеаси ҳисобланган Улуғ Октябрь
социалистик революцияси ғалабасини таъ-
минладилар.

Ленин буюк ва оддий инсон эди. Унда
доҳийларга хос юксак ақл-заковат, улуғ даҳо,
шу билан бирга энг оддий инсонларга хос
камтаринлик, меҳнатсеварлик, одампарвар-
лик сингари қатор фазилатлар мўжассам
эдики, бу олижаноб фазилатлар ҳақида кел-
ажак насллар учун тенгсиз намуна бўлиб
қолажак.

В. И. Лениннинг тарих, инсоният олдига
улуғ хизматларини санаб тутатиш қийин.
Октябрь революцияси тўғрисида бизнинг мамла-
катимизда жаҳонда биринчи социалистик
тузум ғалаба қозонганини, ҳозир ер кура-
сининг ундан бир қисмида социалистик
система мустаҳкам қарор топганини, Осиё,
Африка, Латин Америкаси халқлари муста-
лақчилик занжирини бирин-кетини улоқтириб
ташлагганини, империализмнинг дунёда синфи
кураш тобора аянгга мингетганини маркс-
изм-ленинизм таълимотининг ҳақиқатини
барҳаётинингидан далилат бермоқда.

Владимир Ильич голларининг ҳаётбахшли-
ги, самаралар республикаси, жумладан пой-
тахт областисини нисолда ҳам ёрқин кўри-

ниб турибди. Инқилобдан олгари қоринининг
бир чекка мустамлакаси бўлган Ўзбекистон
эндилкида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, мада-
нийати оламга машҳур ўлкага, социализмнинг
Шарқдаги машаалига айланди. Бунинг учун
ўзбек халқи улуғ Лениндан, Коммунистик
партиядан беҳад миннатдор.

Яна бир йилда кейин барча совет киши-
лари, тараққийпарвар инсоният буюк доҳий
туғилган кунининг шоли 100 йиллигини
нишонлайдилар. Ҳозир ҳамма жойда ана шу
юбилейга пухта тараддуд қилинмоқда. Доҳий
юбилей унинг ўлмас голларининг ҳаётдаги
тантанаси намойиши бўлади. Бугун биз бу
тантанга ҳар қадарда гувоҳимиз. Совет
халқи Коммунистик партия етакчилигида
Ленин назарияларига амал қилиб, инсоният-
нинг асрий ораси — коммунистик жамият қу-
рилиши йўлида фидокорлик қўришмоқда.
Бепеён Ватанимизнинг ҳамма чеккаларида
Ильич нафаси кезиб юрибди. Ильич нафасини
домна пелларининг қуёш янгида баланд ҳаро-
ратда, дийримини нурга буркаган гилат
электр станциялари ҳаракатида, янги Тошкент
қурилиши ҳавоаларида, ўзбек нахтакорининг
мангалай терисида кўриб, сезиб турибмиз.

Лениннинг социализм ва коммунизм қу-
рилиш тўғрисидаги илмий назарияси совет
кишилари учун ҳақиқат йўлини юлдузидир.
Коммунистик партия коммунистик қурилиш
жараёнида қўдаланг бўлиб турган ҳаётини
масалаларни амалий жўхадан ҳал этиб,
марксизм-ленинизм таълимотини янада ри-
вожлантириб, бойитиб бормоқда. Партиянинг
тарихий XXIII съезди, ленинчи Марказий
Комитетининг Йилулар қарорлари бунинг
ёрқин далилидир. Совет Иттифоқининг соци-
ализм қурилишидаги таърибиси, шунингдек
қардош социалистик мамлакатлар тўғрисида
таъриблар шуни рўй-рост кўрсатиб турибди-
ки, марксизм-ленинизм илмий назариясининг
ҳаётга тадбиқ этилиши меҳнатқашлар омма-
сининг тул манфаатларига батамом мос келади
ва ҳар қандай жамият фақат социализм йў-
лидан боргандагина ҳар томонлама нахтисини
тараққиётга эриша олинми мумкин. Фақат
социализмга халқларга социал ва илмий
озодлик, тенглик, чинакам демократия ва
тинчлик, бахт-саодат бахш эта олади.

Ленин кўрсатмаларини бирин-кетини амалга
ошира бориб, мамлакатимизда ўтган ярим
асрдан сал олтироқ давр ичида халқ ҳўжа-
лигининг ҳамма соҳаларида, маданиятда,
меҳнатқашларнинг турмуш фаровонлигини
оширишда мислсиз ютуқлар қўлга киритил-
ди, биз бу муваффақиятлар билан ҳақли
равнишда фахрланамиз. Эндилкида совет
халқи коммунистик қурилишнинг янги ваз-
ифаларини — КПСС XXIII съезди қарорлари
ва беш йиллик план топириқларини муваф-
фақият билан бажармоқда.

Буюк доҳийнинг юз йиллик тўйи-ғарафасида
совет кишиларининг, шу жумладан областисини
меҳнатқашларининг меҳнат кўтаринкилиги ва
сиёсий активлиги ҳар қачонгидан ошиб кетди.
Беш йиллик лаяни 1970 йилнинг 7 ноябри-
га бажариш юзасидан бошланган юбилей
олди умумхалқ социалистик мўсабақаси
байроғи тобора баланд ҳилирамоқда. Илгор
корхоналар шу йил биринчи квартал лаянини
муддатидан олдин адо этдилар. Дала меҳнат-
қашлари кўламли экиш, ишларини қиёзиб
юбордилар. Ҳаммининг фидокорлиги бир — В. И.
Лениннинг бир асрлик шоли юбилейини
мўнасиб нишонлашди. Доҳийнинг ўзи улуғ
саналарга энг яхши совға — меҳнат зафариди-
р, деб таълим берган эди. Юбилей сов-
ғалари — меҳнат зафарларинини кўпайтврсин.
Янаси дунёда энг революцион ва голли
таълимот — марксизм-ленинизм!

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Тошкент кабель заводининг
қаратаж кабеллар ишлаб чиқа-
риш цехи коллективни доҳий-
миз В. И. Ленин туғилган кун-
нинг 100 йиллиги юбилейини
мўнасиб кўтиб олиш учун ўза-
ро социалистик мўсабақатга қў-
шилиб, яхши натижаларини қў-
лга киритаётдилар. Дастлабки уч
ой ичида 1450 километр узуни-
лидаги қаратаж кабел ишлаб
чиқарилди.

Бу кабеллар, айниқса ер-
ости бойиқларини ишловчилар
жуда қўл келаяпти, — дейди
цех бошлиғи ўртоқ Андронов, —
бу йил ўтган йилдагига нисба-
тан икки баравар қўл маҳсулот
тайёрлаймиз.

З. АХТЯМОВА.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ҲИССАСИ

Чирчиқдаги пойафзал фабри-
касининг коллективни доҳиймиз
В. И. Ленин туғилган кунининг
100 йиллиги шарафига меҳнат
вахтасида турли ишларни
қўлга киритишди.

Қ. Талаббекова, А. Баликина,
С. Абдураимова, Р. Бризгалова
каби меҳнатсеварлар доҳий юби-
лейи шарафига олган шахсий
мажбуриятларини муваффақият-
ли адо этишди. Улар тайёрла-
ётган пойафзаллар жуда ман-
зур бўлмоқда.

Бу ерда ойдан-ойга маҳсулот
ишлаб чиқариш кўпайиб бормо-
қда. Пойафзалчилар февраль
ойида пландан ташқари бир не-
ча минг жуфт ююри сифатли
маҳсулот тайёрлашган бўлса,
март ойида планга қўшимча
4000 жуфт пойафзал етказиб
беришди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ТЕЗ ВА СОЗ

Ўртоқ Отанқши Хусанов раҳ-
барлик қилган бригада деҳ-
қонлари бу йил ҳар гектар ер-
дан 32 центнердан оқ олтин
топиришга бел боғлаганлар.

Тоғ еришини билан трактор-
ларнинг овози яна ҳам баралла
эшитилади. Завено бошлиқлари
Эргаш Қўрбоев, Забир Ҳажи-
дуллоевлар трактор рулларига
ўтириб, сифатли ишланган ер-
ларга чигит ташлашни кучай-
тиришди. Икки завено бошли-
ғи ҳам аргетларнинг унумли
ишлашга эришди. Шу сабаб-
ли кунга 7-8 гектардан ерга
барана уруғи ташланаётган.

Э. ТОШМУРОВОВ,
Янгийўл. «Ленин» колхоз-
и.

ЧОРВАДАН КАТТА ДАРОМАД

Ҳўжалигимизда пахтачиллик
билан бир қаторда чорвачилик-
ни ривожлантиришга ҳам катта
аҳамият берилаяпти. Биз чорва-
чилик фермасини ишчан, тиниб
тинчимас, тажрибали кишилар
ҳисобига доимо мустаҳкамлаб
борилмаз. Шунинг учун молла-
римиз сермахсул бўлаяпти.

Янгида биз Фориш району
чорвадорларининг мажбурият-
лари билан танишиб чиқдик.
Биз ҳам улардек ишлаб, чорва
маҳсулотларини кўпайтириш
юзасидан бирданча тадбирлар
белгилдик.

Маълумки, чорва озуқасини
яхшиламасдан туриб, чорвачи-
ликни ривожлантириш мумкин
эмас. Шундай экан, кўпроқ е-
машак базасини яратишимиз
керак. Ҳозир асосий эътибор
ана шунга қаратилмоқда. Беда
майdonларини кенгайтиряймиз.
180 гектар ерга беда экишга
аҳд қилдик. Шу билан бирга
майнақўхори экиладиган ер-
ларни ҳам кўпайтирдик.

Бу йил икки йиллик чорва
озуқаси тайёрлаш ниятидамыз.
Эски бедаларини парваршишни
яхшилаяймиз. Яқин кунлар ичи-
да уларни минерал ўғитлар бил-
ан озиқлантиряймиз, вақтида
сугориб, вақтида ўриб оламиз.
Барча майdonлардаги бедаларни
камида тўрт марта ўраимиз. Шу

билан бирга кўп миқдорда да-
гал хашак, сомон тайёрлаш чо-
расини кўраимиз.

Чорвадорларимиз озуқа база-
сини мустаҳкамлаш билан бир-
га, улардан рационал фойдала-
нишни йўлга қўйганлар. Хашак-
лар майданларини ҳолда берил-
аяпти. Шу сабабдан чўчиқлар
бўлмаяпти. Қаттиқ соғуқ бўли-
шга қарамай, барча чорва мол-
ларимизни қишдан эсон-омон,
нобул қилмасдан чиқардик. Асо-
сий чорва молларимиз юқори ва
урта сезимлиқдир. Қаровнинг
тубдан яхшиланиши сабабдан
ҳар кун моллар 400-500
граммгача семирмоқда. Чорва-
дорларимиз бурдоқчиликни
тўхтовсиз ривожлантириб бора-
яптилар. Ғушта топириқла-
ган молларнинг ўртача оғирли-
ғи 305-310 килограммга тўғри
келаяпти. Молларни боқиб се-
миртиришда Шокир Салаватов,
Эшмамат Шерматов ўртоқлар-
нинг ҳиссаси каттадир.

Биз давлатга ғушт топириқ-
ни тезлаштиряймиз. Биринчи
кварталда 455 центнер ғушт
етказиб бердик. Ҳозир 40
беш мол бурдоқига боқилапти.
30 беш чўчка ҳам семираяпти.
Буларни ғушта топириб, ярим
йиллик лаяни апрель ойи ичи-
да бажаримиз.

Колхозимизда чорвачилик эн-
дилкида нуқул фойда келтира-

ётган соҳалардан бирига айла-
ниб қолди. Бунинг ўтган йилги
натижалардан ҳам кўриш мум-
кин. Илимиз баракали бўлди.
Чорвачиликнинг ҳамма соҳа-
ларидан фойда олдик. Семиз
ғушт етиштиришимиз сабабдан
қорамолчиликдан 21 минг сўм
соф фойда олинди. Нам меҳнат
сарфлаб, кўп ва арзон маҳсу-
лот етиштириш бизнинг асосий
лазифамиз. Ҳар бир центнер
сўтдан 6 сўм 50 тийиндан, ҳар
бир центнер ғушдан эса 50
сўмдан фойда олинди. Чўчка
ғуштин кўпайтиришдаги иши-
миз ҳам яхши бўлди. Ҳар бир
центнер чўчка ғуштиндан келган
фойда 72 сўмин ташкил қилди.
Умуман чорвадан келган фойда
64 минг сўмин ташкил қилди.

Юқоридаги рақамлардан кў-
риниб турибдики, чорвачилик-
дан фойда олиб, ҳўжалигини
янада мустаҳкамлаш мумкин
экан. Биз беш йиллигининг тўр-
тинчи йили топириқларини
ҳам муваффақият билан бажарамиз.
Ватанимизга кўпроқ чорва маҳ-
сулотлари етказиб бериш билан
бирга, унинг тапиархнини камай-
тиришга ҳам ҳаракат қиламиз.

Н. МИРЗАБОВЕ,
Янгийўл районидagi Ҳ. Тур-
сунов номи колхоз чор-
вачилик фермасининг муди-
ри.



Шу кунларда Бўстонлик районидagi Фрунзе номи колхозда яна ҳам иш кўряпти. Чорвадорлар кў-
злагитиш кампаниясини муваффақият билан ўтказишга жиддий аҳамият бермоқдалар. Улар ҳар из бош
совлиқдан камийда 130 тадан кўзи олиш учун ҳаракат қилишди. Чорвадорлар ўтган йили ҳам кўзи-
лагитиш кампаниясини муваффақият билан ўтказиб, зўр кўрсаткичларга эришган эдилар. Жуда кўп чўпонлар
ўзи зиммаларидagi мажбуриятларини ошириб бажардилар. Пландан ташқари кўлаб ғушт, жуи етказиб
берилди. Ленинча меҳнат вахтасида турли ишлардан чўпонларнинг бу йил ҳам аҳди катта. Сўрада:
колхознинг илгор чўпони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Айдарбек Қўшиқбоев.
Қ. Розиков фотоси. (Ғ. ТАҒ).



Шоир йитгандек:
Кезмондадир ҳар бир
Ба меҳнатда ҳечин нафаси,
Дарҳақиқат, шаҳарларда,
Қишлоқларда, ҳақ наҳада
Ҳечин нафаси кезмонда. Тил-
да, дилларда — Ленин, Ле-
нин орзу-умидлар билан яша-
ётган қилаётган одамлар мар-
назар меҳнат қилиб, комму-
низм қуриш йўлида ингилди-
набалаблар, равиқаб ва бих-
ақаб ҳаётини кечирмоқда.
Қўлар, датори бизнинг қол-
дири меҳнаткашлари ҳам Ленин
ғийди Бориб, техниканга му-
ммалроқ фойдаланиб, қиш-
қик ҳўжалигини ривожланг-
ни, мадақий ва фаровон ҳаёт
чиғири, қишлоқларни қўрқам
обод қилиш учун тинмай ку-
шмоқдалар.

ЯНГИ ДУНЁ РАМЗИ



КЎРГАЗМАЛАР, ЛЕКЦИЯЛАР

КАЛИНИН РАЙОН меҳнат-кашлари барча совет кишилари каби В. И. Ленин туғилган куннинг 99 йиллигини муносиб соғалар билан кутиб оlishмоқда. Колхозчилар ва совхоз ишчилари шаҳарликларга эртани сабабот маҳсулотлари етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Райондаги Собир Раҳимов номли, Навоий номли, «Ленин йўли», Ленин номли колхозларда улу санага атаб фотокўргазмалар ташкил қилинди. Уларда Лениннинг фаолиятига оид расмлар ҳамда дохий туғилиб ўсган, бўлган жойлардаги шаҳарлар ҳақида асосийлар бор. Бундан ташқари район меҳнаткашлари ўртасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Бу ишда 280 дан ортиқ лектор ва пропаганда-дистлар, 600 дан ортиқ сийёсий ахборотчилар қатнашмоқда.

«Ленин васиятлари амалда», «Ленин ҳамisha барҳаёт» каби темаларда ўқилган лекция ва суҳбатлар тилловчиларга манзур бўлди. Шунингдек, маданият уйларида, мактабларда, саноат корхоналарида дохий асарларининг иштирокида, Ленин бурчақлари, Илчи хоналари ташкил этилди.

Париж, Мари Роз кўчасидаги мана шу уйда 1909—1912 йилларда В. И. Ленин яшаган эди.

ТАСС фотохроникаси.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ пахтакорлари, чорвадорлари, боғbonлари, галлакорлари В. И. Ленин туғилган куннинг 99 йиллигини иш маданиятини янада юксалтирган ҳолда қарши олмоқдалар.

Районда ҳафталик бир кун Ленинча жумаликка бағишланади.

«Ленинбод» колхозининг Заркент қишлоғида С. Айнинг номли 52-мактаб коллективи кучи билан колхозда В. И. Ленинга бағишланган адабий-тарихий конференция ўтказилди. Конференцияда мактаб ўқувчилари ва колхоз аъзоларидан 300 киши қатнашди. Район кутубхонасида ташкил этилган В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига оид фотокўргазма ҳам турли хил экспонатларга бой.

Шунингдек, Оқовул кишлоқ Советига қарашли кутубхонада, Паркент қишлоғи кутубхонасида, В. И. Ленин номидаги 7-ўрта мактабда дохийга аталган фотостендлар, Ленин бўлган жойлар ҳақида маълумотлар бор. Район хўжаликлари ва корхоналарида Лениннинг революцион фаолиятига оид лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шу кунларда Тошкентнинг Ленин кўчасида ўтган киши қанчали турли ишларнинг гувоҳи бўлади. Ленин хўбонига салобат берадиган дохий музеи ана шу ерда бўлиб қолмоқда. Ҳозир музейнинг янги темирдан ишланган синчлари қад кўтарди. Ил охиригача биноклар қурилиши тамомланди. 1-ося бир йилдан сўнг — дохийнинг катта тўйи кунларида унинг ашиклари томошабинлар учун очилди.

Музей директори, тарих фанлари доктори Туроб Жураевин музейнинг бош расмони Александр Миронович Конок билан қизғин суҳбат устида учрашди. Улар яқиндаги Москвада намоий қилинган музейнинг эски лойҳаси ҳусусида гаплашдилар.

Директор бизни лойҳадаги музей заллари бўйлаб бошлади.

Музей экспозицияси махсус конструкция бўйича ишланган оригинал стендларга қўйилди. Бу экспозиция бонининг икки усти қаватида жойлаштирилди.

Биринчи ва иккинчи залда дохийнинг болалиги ва ёшлиги, марксизмининг ривожланишида Ленинча босқиннинг бошланиши акс эттирилди. Бу заллар 1870—1900 йиллардаги воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Учинчи зал янги тилдаги марксизмнинг партия учун курашини тасвирлайди. Бу ерда Ленин қолларининг Туркистон меҳнаткашлари орасида тарқалиши ўз аксини топади. Навбатдаги зал биринчи рус революцияси даври — 1905—1907 йилларни қамраб олади. Бешинчи залда марксизм назариясининг Ленин томонидан ҳимоя қилиниши ва илҳомий ривожлантирилиши, реакция йил-

БУТУН ЛЕНИН КЎЧАСИДА

лариди партияни мустақамлаш учун кураш мавзун еритилди. Олтинчи зал янги революцион кўтарилиш йиллари — 1910—1914 йил воқеаларига бағишланган экспозицияларини ўз ичига олади. Бу ерда Тошкент йилидаги саёрлар кўзголини ҳам ўз аксини топади. В. И. Лениннинг жаҳон империалистик уруши ва Россиядаги илҳомий революция давридаги фаолияти еттинчи залда кўрсатилади. Саккинч, тўқинч, ўнинчи заллар Октябрьнинг илҳомийси ва дохийи деган мавзун еритади.

Юқори қаватга чиқамиз. Бунда биринчида Совет Социалистик давлатининг асосини бўлган В. И. Лениннинг 1917 йил октябрь — 1918 йилларда қизғин фаолияти очиб берилди. Ундан кейинги зал Совет Республикасининг мулофасини ташкил этишда дохийнинг кўрсатилари йиллардан йилроқ бўлганлигини ташутиришига ёрдам беради. Ўн уч — ўн туринчи заллар Ленинча ГОЭЛРО ва Лениннинг Х съезди ҳамда 1921—1922 йиллардаги Совет давлатининг ташкил этилишига бағишланади. Кейинги зал В. И. Лениннинг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини вужудга келтиришдаги фаолиятига оид экспонатларга бағишланади. Дохийи солларининг барҳаётини, Илчининг совет кишилари қанбда абадий ўчмас бўлиб қолган сиймоси алоҳида мотам залдаги экспозицияларда ўз ифодасини топади.

Томошабин СССРда Ленинча социализм қуриш йилининг амалга оширилиши билан, социалистик Ватанин ҳимоя қилиш ҳақидаги Ленин солларининг тавтанаси (1941—1945 йиллар) билан, СССРда социализмининг тўла ғалабаси ва коммунизм қурилишига ўш мавзун билан ҳамда Коммунистик партиянинг коммунизм қурилишидаги раҳбар ва етакчи куч сифатидаги фаолияти билан алоҳида-алоҳида залларга қўйилган экспонатлар орқали ташутирилади.

Музейда жами 20 та залга экспозицияларини қўйиш мўлжалланмоқда. Музейнинг мана шу эски лойҳаси Москвадаги катта Кенгадда намоий қилинди. КПСС Марказий Комитетининг панини, СССР Бадий акаде-

мияси, В. И. Ленин номли марказий музейнинг илҳомий ҳодиялари, марксизм-ленинизм тарихи институти, СССР расомлар Союзи экспериментал студияси пансилари, Москва шаҳрининг бош расоини ҳамда Ўзбекистондан борган вакиллар иштирок этган бу кенгадда лойҳа маъқуллаб қарши олинди.

Эскиз лойҳасида авторлар коллективига Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Александр Миронович Конок раҳбарлик қилмоқда. У ҳамкасблари Михаил Воронкин, Шариф Фатхуллин, Раиса Конок — Салова, Яков Юрдейковлар билан гўят масъулият вазифасини яхши бажара олган. Бу авторлар коллективини музейлар бўлиб етишда катта тажриба ортирган кишилардир. Шунинг билан ҳам, Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Навоий номи адабиёт музейини ташкил этишда ҳам улар иштирок етшаган.

Илҳомий ҳодиялар музей учун нобэк экспонатларини тўплашда катта иш қилмоқдалар. Ҳозир музей экспозицияси ва унинг кутубхонаси учун дохийнинг ўн ҳаёт вақтида намоий этилган нодир асарларидан бир нечаси тўплашди. 1923 йилда Москвада намоий этилган «Давлат ва революция» китоби, Франс Мерингнинг 1920 йил Петербургда босмадан чиққан «Карл Маркс. Унинг ҳаёти тарихи», Карл Либкнехтнинг, 1916 йилда намоий этилган «Ленин суд процесси» ва «Маркс ҳақида хотиралар» китоблари директорнинг хонасида турибди. Бу ва шунга ўхшаш адабиётлар турли манбалардан йиғиб топилмоқда.

Келгуси йил шу кунларда ҳамшаҳарларимиз башират дохийининг буюк революцион фаолияти, унинг ўлмас асарлари, Лениннинг бутун дунё, шу жумладан Шарқ халқлари тарихини рақибетида ўзининг тарихий ролининг ёркин ойнан бўлиши музей экспозицияларини қуриш имкониятига эга бўлади.

Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкентдаги филиали ўзига ҳақ музей — университет, Лениннома марказларидан бири бўлиб қолади.

С. МУСАЕВ.

Советларнинг Бутуроссия VIII съезидида Лениннинг ГОЭЛРО ва Лениннинг Х съезидида Лениннинг Иттифоқи электр қуввати ишлаб чиқаришда Европада биринчи, жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олди. Суратда: В. И. Ленин ГОЭЛРО харитаси ёнида. (Расом Л. А. Шматко ишлаган расмдан нуска).

БУЮК ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ

«Бш гвардия» нашриёти буюк дунё меҳнаткашларининг буюк дохийи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига атаб бир неча китобларини нашрдан чиқарди.

Надежда Константиновна Крупскаянинг «Владимир Ильич Ленин», «Энг азият дустимиз», Мальковнинг «Москва Кремли комедантининг хотиралари», Мирмухсиннинг «Илчи дампочаси», Миртемирининг «Ленин ва Ражаб боб», Эсон Раҳимовнинг «Илчи Россия» китоблари шулар жумласидандир.

Шунингдек, нашриёт ёзувчи Павло Макруленковнинг «Володя севган йиллар» китобини чоп этди. Автор бу китобда Володя Ульяновнинг аjoyиб ҳислатларини тасвирлайди. Китобхон бу асардан дохийининг болалиги, ўсмирлик йиллари, дустлари ҳақида ҳам кўп қизик нарсаларини билиб олади.

Бундан ташқари, нашриёт Е. Стасованинг «Владимир Ильич Ленин шундай киши эди» китобини ҳам ўқувчиларга тақдим этди. Автор Коммунистик партиянинг кеск аъзоларидан бири бўлиб, дохийимиз Владимир Ильич Ленин билан узок вақт бирга ишлаган эди.

Нашриёт тарих фанлари кандидати А. Абдулҳаев ва журналист С. Султоновнинг «Ленин йўли билан» китобини ҳам нашрдан чиқарди. Авторлар китобда Мирафшунинг тарихий ўғиниши, у ерининг Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан кейин буюк дохий Владимир Ильич Лениннинг декрети билан экинзоорга, нахта майдонига айлангани, бу ерда етишиб чиққан доғдир пахтакорлар, матонатли кишиларнинг буюк яратувчиларини ишлари ҳақида ҳикоя қилганлар.

Нашриёт буюк дохий юбилейи арафасида яна бир неча китобини нашрдан чиқарди. Улар орасида Владимир Ильич Лениннинг «Ешлар союзининг вазифалари», Миртемирининг «Ленин ва бола», Нечволодова, Разнеченковнинг «Лениннинг ёшлиги», Э. Раҳимовнинг «Калбимизда яшайди мангу» шеърлари тўплами, Эркин Боқидовнинг «Чаробон» достони, Евгений Марининг дохийи тўғириндаги янги ҳикоялари бор.

Т. ИСМОИЛОВ.

ДОХИЙ ВАСИЯТИГА СОДИҚМИЗ

«Уқим, ўқим, ва яна ўқим!» Улуғ дохийимиз Владимир Ильич Лениннинг ёшларимизга қарата қилган васияти бу! Ҳа, Илчининг бу сўзлари совет кишиларининг жанговар ҷишига айланб қолди. Советлар дийрида ёш авлодини ўқитиш, унга пухта билим бериш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир.

Чиндан ҳам ўқил-қизиларимизни ўқитиш ва тарбиялаш учун ҳамма имкониятларни муҳайё қилинган. Юзлаб мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари ва шунга ўхшаш бошқа тарбия ўчоқлари келажагимиз бўлган ўқил-қизиларимиз хитирида.

Ҳар кунни жонажон меҳнат маскани томон йўл олар эканман, партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод тўғрисида қилган буюк гавҳирини ҳақида ўйлайман. Бир вақтлар саводсиз бўлган ўқимиз бугунги кунда тўла саводхон ўлғига айланганлигидан чексиз фойдаланаман.

Қатрада кўш акс этганидек, бизнинг мактаб-интернатимиз мисолида ҳам бунинг ақоли кўриш мумкин. Билим-тарбия ўчоғи буюк дохий Ленин номи билан юритилди. Ленинча яшаш, Ленинча ўқимиз шонимиз бўлиб қолган. Ҳозир билим ўчоғида меҳнаткашларнинг 320 ўқил-қиз тарбия олиб, пухта билим эгаси бўлиб етишмоқда. Фан кабинетлари, ўқув лабораториялари, кенг ва ёруғ синхронлар — ҳамма-ҳаммаси бор.

Улуғ дохийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ўқувчиларимизнинг ҳам тараддуллари катта. Шонли санага қатор

тадбирлар белгиланди. Тазлим-тарбия ишларини тагин ҳам яхшилаш, ўқувчиларга пухта билим бериш асосий вазифамиздир.

Ўқувчилар кучи билан ташкил этилган Ленин музейи ҳар кунни гавҳим. Бу ерда октябрлар пилонер сафига, пилонерлар эса Ленин комсомали сафига тантанали равишда қабул қилинади. Пилонерларнинг соборларини ҳам шу ерда ўтказамиз. «Ленин абадий барҳаёт», «Ленин — меҳнаткашлар дохийиси» каби мавзуларда ўтказилган соборлар болаларда яхши таъсирот қолдириди.

Мактаб-интернатдаги Ленин бурчаги ҳам яқинда ташкил этилди. Бу ерда Илчининг болалигини акс эттирувчи турли фотосуратлар ва расмлар қўйилган.

Ҳозир синфларда Ленин ўқиллари ҳам олиб борилмоқда. Бундан ташқари пилонер дружинасининг ҳар бир отрядида «Биз Ленин нафралари» деган кечалар ўтказилмоқда. Ётоқхонада эса «Ленин биз билан» деган мавзуда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Дохийимиз В. И. Лениннинг васияти амалда. Биз, халқ масоифи ҳодимлари ёш авлодини ўқитиш ва тарбиялаш ишини тагин ҳам яхшилаш учун бор куч ва имкониятларни ишга солаемиз. Ёшларимиз-ақолимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишшилари йўлида жонбозлик қиламиз.

Сайдаз АБДУЛОВ.

Пискентдаги мактаб-интернат директори, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ҚОРОНҒУ ТУНДА

З. ВОСКРЕСЕНСКАЯ.

Воқеа 1907 йилда Финляндияда бўлган.

Декабрь ойи бўлишига қарамай, ҳали қаратон киш бошланмаган. Гарби-жанубий шамол Ботник кўлигининг юлға музларини парчалаб ташлар, қирғоқ бўйларини мингларча катта-кичи орол ва оролчалар — шхерлар — тўтиб кетган, улар қор устида, кўкка отилганча қотиб қолган тўқчиларни эслатади.

Або шаҳридан ороллар бўйлаб ўтувчи йўл устида от қўйилган чана аста борарди. Чананинг олди қисмида фин Виктор Карлсон ўтирарди. У Лиллмэло оролига бир кишини олиб кетаётган эди. Карлсонга бу киши тўғрисида, у оқ подпониинг думшани, шунинг учун подпониингидан яшириниши керак, дейишганди. Карлсон чанасида олиб кетаётган киши тўғрисида фақат шуни биларди, холос.

Подпониингидан Ленинни дамақча олиш тўғрисида буйруқ берилган бўлиб, Владимир Ильич тезлик билан чет элга чиқиб кетиши зарур эди. Қунботар пайтида йўл уларни тепаликка жойлашган янча қизил ўй олдига олиб келди. Атрофдаги қояларни қирво қоплаганлигидан ва ерга ёққан қор фонида уй яққол ажралиб турарди.

— Келдик, — деди Карлсон мағрурона. У чанадан тушиб отни боғлади. экинчи қаттиқ тешиб очди. Улар кириб келган ичхатинга ошхона — уй ё тушса ялағудай

(ХИКОЯ)

яқриаб турарди. Полга ёркин поёндоз тўшалган бўлиб, ёғоч деворлар кўлда тўқилган гиламлар билан безатилган, катта ошдондон ёнидаги тоқчага қўйилган мис идишлар тозаллигидан кўзни қамаштирарди. Шиядан пастрокча ойи нонга ўхшатиб ясалган думалоқ нора нонлар илб қўйилган.

Карлсон останада турар экан, уй эгаси Бергман билан алламанлар ҳақида шивирлашиб олган, ўз йўловчисин билан хайрлашди-да, уй бекасига тазим қилиб чиқиб кетди.

Владимир Ильич уй эгаси билан аниқ сикейкага ўтиришди, сўнг Илчининг елкасига қўлини қўйиб деди:

— Дўстим, мен теэроқ Стокгольмга етиб олишим керак. Бунинг қандай қилиб амалга ошириш мумкин?

Балиқчи бир вақтинги ўзида иккинчи иш — ҳам муштугини тўлдириб ва суҳбат қилишнинг улдасидан чинаолмагани сабабли жимгина ўтириб, аввалига бутага ўхшаш житарган бармоқлари билан муштугини тўлдирди. Махорка ўз олдига, балиқчи керишиб, йўловчининг синаётгандай деди:

— Бўлмайди — йўл йўқ. Пиёда ҳам, қайиқда ҳам бўлмайди. То муз қотгунча кутиб керак.

— Сиз «пиёда» ҳам, қайиқда ҳам нон бўлмайди» дедисиз. Агар ҳам пиёда, ҳам қайиқда

юрисачи? — деди Владимир Ильич.

— Бўлмайди. — ўжарлик билан жаваб қайтарди балиқчи. — Муз кишини кўтаролмайди. Қайиқ эса музлар орасидан ёриб ўтаолмайди.

Эрталаб Владимир Ильич уй эгалари билан бирга турди. У юниб бўлиш биланоқ дераза ёнидаги столга ўтириб, дафтарини очди.

Иккинчи деразадан сийрак дарахлар билан қопланган қолин ороллар тизмаси кўриниб турарди. Бу дарахларини ялангоч ва силиқ қояларда қандай куч ушлаб тураркин? Уларнинг уруғлари тулроқ бостан ерларини қидириб, илдизлари ериқларга нитилиб, мармар тошга тирмашган ҳолда ўсиб ривожланмоқда. Энди эса бу дарахларни кучли бўрон ҳам йиқитаолмайди.

Бергман ошхонадан ётоқхонанинг қия очилган эшигига қараб кўлар ва Карлсоннинг сўзларини эслаб ҳаёл сурарди: «Нахотки подпониинг энг зўр думшани шу одам бўлса? Кўринишдан — олдин бир киши. Ана у бошини ёнига бир оқ эгиб, чан елкасини қўйи туштирган ҳолда стол ёнида ўтирибди.

Шамолнинг гувилаганига ҳам, болаининг йигитига ҳам эътибор бермай, тез-тез ёзаяпти». Оила ноншутага ўтирди. Уй бекаси столга мис кофе чойнагини қўйди, ёғочдаги думалоқ нондан олди.

(Давоми 4-бетда).

ҲАМНАФАС

Ҳозирги замон деҳқонларининг маданий даражалари ва қиёфалари шаҳарликлардан деярли қолшмайди. Аса бўлади. Мана шу дэвоини исботлашда башқ фактларини келтиришимиз ўзини қийин. Масалан, бу йил колхозчилар 8885 сўмлик обуна бўлиб, 2981 русча ҳар хил газета-журнал олмақдалар. Колхозчиларда 1100 хонадон бор, демак, бу газета-журналлар ҳар бир хонадонга 3 нусхадан тўғра келади.

Кишлоғимизда битта ўрта, иккита саккиз йиллик мактаб бор. Бу мактабларда 1400 га

яқин бола ўқимокда. Мактабларда таълим бераётган ўқитувчиларининг аксарияти колхозчиларимизнинг фарзандлари. Колхозчиларнинг агрономлари, инженерлари ва бошқа мутахассислари ҳам ўз қишлоғимиздан етишиб чиққан кишилардир.

Кейинги уч йил мобайнида колхозчиларнинг янча тартибда курган уйларида ташқари, колхоз йўли билан 72 та кўп хонали уйлар қурилиб фойдаланишга тошпириди. 200 дан ортиқ колхозчиларнинг уйда газ бор. Электр туштирилмаган,

Илчи чироқлари порламаган, телевизор, радиоси йўқ хонадонни тополмаймиз.

Зиёлилар ҳам ўқимизнинг қилмоқдан.

С. Убайдуллаев, Қ. Тўйчиев, Алексей Ким, Ж. Тангрибердиев, А. Абдуллаев, З. Тошмулатова, О. Анорбеева, Х. Саидхмедова, Т. Отакулов, В. Саторов, М. Зандаров, Э. Султон, К. Нурболтаев ва бошқалар колхозимизнинг эълифлари, меҳнатда пешадам кишилар. Бундан кишилар бизда кўп. Биз улар билан фактрланаемиз. Колхоз аъзолари В. И.

Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мажбурият асосида астойдил ишламоқдалар. Колхоз актнзлари, «Билим» жамияти аъзолари ва сийёсий ахборотчилар участкаларда, устакхоналардаги колхозчилар ва механизаторлар ўртасида Ленин ҳақида ҳар хил темада лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқдалар.

Биз Илчиндан, партиямиздан умрбод миннатдоримиз!

Турғун ОРИПОВ, Ўрта Чирчиқ райондаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Ҳасим ҒРИНБОВЕВ, колхоз партия ташкилотининг секретари.



МАКТАБДА МУЗЕЙ

Бу хонадаги ҳар бир экспонат дохийи ҳақида ҳикоя қилади. Мактаб музейини айланар экансиз, 200 дан ортиқ ҳужжат, китоб ва расмлар билан танишасиз. Барча материаллар «Ульяновск — Ленин ватани», «В. И. Ленин — Улуғ Октябрь дохийиси», «Илчи васиятлари амалда» сингари мавзуларга бағишланган.

Мактабнинг аълоини ўқувчилари тез-тез Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган табаррук жойларга саёхатга бориб келмоқдалар. Ўқувчилар кейинги вақтларда Куйбисев, Қозон, Горький, Москва, Ленинград шаҳарларида бўлиб, дохийи ҳаёти ва революцион фаолиятига доир унутилмас эсдаликлар билан қайтишди. Ўша жойлардан мактаб музейи учун янги экспонатлар олиб келишди.

Музейда кичкинагина кўчмада бир ҳовуч тупроқ эҳтиёт қилиб сақланмоқда. Унинг тарихи қизик. Мактабнинг бир гуруҳи ўқувчилари бурғоқи йили Москвага саёхатга боришган эди. Пойтахтдаги 19-мактаб-интернат ўқувчилари учрашув пайтида уларга қархондан пандфиловчилар ёнга қарши қурайшган ва халқ бўлган жойлардан олинган шу тупроқни Ўзбекистонга бериб юборишди.

Музейда даста-даста хатлар бор. Улар ўқувчиларнинг мамлакатимизнинг турли чеккаларидаги мактаблар, доғдор кишилар билан алоқа қилиб турганиларини кўрсатади. Бундай алоқалар ёш авлодини интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиламоқда.

Оқдўғондаги А. С. Макаренко номли мактабда Ленин музейи 1957 йили ташкил этилган эди. Мактабнинг педагогика коллективини ва комсомол ташкилоти буюк дохийи туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан тайёргарлик ишларини қўйгайтор, музейни янги ҳужжатлар ва экспонатлар билан бойитиш тадбирларини кўрмоқда.

Ғ. ТОҶИБОВЕВ.



Швейцария. Цюрих. Шпигельгасе кўчасидаги 14-уйда В. И. Ленин ва Н. К. Крупская 1916 йилнинг 21 февралидан 1917 йилнинг 2 апрелигача яшаганлар. Ҳозир ўша уйга ёдгорлик тахтаеси ўрнатилган.

Г. Драгунов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

B - 2264.